



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 август, № 165 (9060)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ РЕЖА ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тўқимачилик мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмининг 3 фоизини, sanoatning 14 фоизини яратадиган йирик тармоқдир. Бу йўналишда 500 мингдан ортиқ одамлар иш билан банд. Сўнгги беш йилда 3,5 миллиард долларлик 396 та корхона ишга тушди. Ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард долларга етди.

Лекин дунё бозоридagi ўзгарувчан вазият, талаб ва нарх пасайиши соҳани кўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сўнгги уч йилда жаҳонда пахта нархи тоннасига ўртача 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушди. Бунга мослашиш учун 2022-2023 йиллар учун пахта хомашёсига берилган имтиёзли кредит 3 марта узайтирилди, ўтган йили ҳар бир тоннага 1 миллион сўмдан субсидия берилди.

Кўплаб тўқимачилик корхоналарининг тижорат кредитидан қарздорлиги мавжуд. Атиги 16 фоиз корхона халқаро сертификатга эга. Оқибатда уларнинг ташқи бозорда рақобат қилиши қийин кечмоқда.

Ўзбекистонга нисбатан «пахта бойкоти» бекор қилинганга анча бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз Европада божсиз экспорт қилиш имконини берувчи "GSP+" имтиёзлар тизимига қўшилган. Лекин брендлар билан ҳамкорлик ва экспорт миқёси бунга яраша эмас.

Соҳадаги шу каби муаммоларни ўрганиш учун, Президент тошйиригига кўра 200 дан ортиқ тадбиркорлар билан мулоқот қилинди. Йиғилишда уларнинг таҳлили-

дан келиб чиқиб янги имконият ва вазифалар белгиланди.

Аввало, молиявий соғломлаштириш ва таннархни камайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Бу йил кластерларнинг 2022-2023 йиллар ҳосили учун кредитдан қарздорлиги гаров қўйиш шарти билан беш йилгача узайтирилган эди. Энди 1 августдан гарови тайин кластерлар фақат асосий қарзни тўлайди. Қишлоқ ҳўжалиги жамғармаси ва банкларга ҳисобланадиган фоизлар эса асосий қарз тўлиқ қопланганидан кейин ундирилади. Агар кластерлар ҳам асосий қарз, ҳам физини ўз вақтида тўласа, физининг жамғармага кетадиган қосмининг ярми тадбиркорга қайтарилади.

Шунингдек, кластерларга 2022-2023 йиллар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига юзгага келган 377 миллиард сўмлик пенядан воз кечилади. Тижорат кредитидан мажбурияти бўлган 144 та корхонани молиявий соғломлаштиришга кўмаклашилади.

Бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш учун фермерларга тоннасига 1 миллион сўмдан субсидия берилди. Корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилди.

Тўқимачилик занжиридаги барча корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланди. Бунда ижтимоий реестр бўйича талаб бекор қилинади, умумий фаолиятда тўқимачилик улушига талаб эса 90 фоиздан 70 фоизга туширилади.

Ўз ходимларининг фарзандлари учун боғча ташкил қилган корхоналарга, худди хусусий боғчалардаги каби, ҳар бир тарбияланувчига субсидия ажратилади.

Кавава ипнинг таннархига электр энергияси қиймати ҳам таъсир қилапти. Шу боис энди корхоналарга ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини тармоққа улашга рухсат берилади.

Бундай имкониятлар фаолиятни ривожлантириш учун таянч бўлади. Ўзида толани қайта ишлаш қуввати йўқ кластерлар ип йиғирув корхоналари билан самарали кооперация тизимини йўлга қўйиши зарур.

Акс ҳолда кейинги йилдан уларнинг кластер мақоми бекор қилинади ва пахта ҳосили учун имтиёзли кредит берилмайди.

Хукумат бундай кластерлар учун жозибдор молиявий чоралар жорий қилиш топширилди.

Йиғилишда ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Юртимизда тайёрланаётган калава ип ва матонинг нархи рақобатчиларга нисбатан ўртача 10 — 15 фоиз юқори, чунки маҳсулотларимиз таркибининг 90 фоизи пахта. Дунёда эса сунъий тола ва аралаш мато кўп ишлатилади.

Корхоналаримизни арзон хомашё билан таъминлаш мақсадида 2028 йил 1 январгача аралаш мато ва газламини божхона божидан озод этиш белгиланди.

Бир нечта буюё корхоналари бирлашиб, сув тозалаш иншоотини қурмоқчи бўлса, харажатининг бир қисми Савдони ривожланти-

риш компаниясидан қоплаб берилади.

Экспортчи корхоналарга туманларда филиал очиш учун Савдони ривожлантириш компаниясидан беш йил муддатга 10 миллиард сўмгача Марказий банк асосий ставкасида кредит ажратилади. Хорижлик дизайнер, технолог, конструктор ва маркетингларнинг ойлик маоши қоплаб берилади. Фақат 200 та иш ўрни очиш ва муносиб иш ҳақи тўлаши шарт.

Дунё бозорларига чиқишда энг муҳим масала — сифат ва стандарт. Шу боис Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тўқимачилик корхоналарининг халқаро сертификат олишига кўмаклашиб, улар сонини 300 тага етказиш вазифаси қўйилди.

Европа ва АҚШ бозорига тайёр кийим-кечак экспортни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, Америкада йилига қарийб 100 миллиард долларлик тўқимачилик бозори бор. Маҳсулотни талабга мослаштириш орқалигина унда ўрин эгаллаш мумкин. Шу мақсадда Нью-Йорк ва Сент-Луис шаҳарларида савдо уйлари очиш бўйича кўрсатма берилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчи-ларга йирик брендлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича «Йул харитаси»ни ишлаб чиқиш, уларни Тошкентда бўладиган йирик кўргазмага тақлиф қилиш топширилди.

Корхоналар фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш орқали даромадни 20 — 30 фоизга ошириш ҳамда «яширин иқтисодиёт» омилини камайтириш мумкинлиги қайд

этилди. Бу борада тўқимачилик корхоналарида «ERP» тизимини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Жаҳонда савдо қоидалари тез ўзгараётган шaroитда соҳа бошқарувида алоҳида ёндашувга зарурат туғилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис Енгил sanoatни ривожлантириш агентлиги ташкил қилна-диган бўлди. У тўқимачилик, чарм ва ипак sanoati тармоқла-рига масъул бўлади.

Агентлик учун алоҳида жамғар-ма тузилиб, давлат кўмаги ва кор-хоналарга арзон айланма маблағ у орқали берилади. Жамғармага 200 миллион доллар ажратилади. Ташкилот ҳузурида тажрибали тад-биркорлардан иборат кенгаш ҳам тузилади.

Янги тузилмага мазкур кенгаш билан бирга таннарх, ишлаб чиқар-иш ва экспорт бўйича натижадор-ликни ошириш, кооперацияни ку-чайтириб, паст қувватда ишлаёт-ган корхоналарни соғломлашти-риш вазифаси қўйилди. Халқаро маслаҳатчиларни жалб этиб, тўқи-мачиликни 2030 йилгача ривож-лантириш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, чарм, ипак ва гилам-чилик sanoatини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бош вазирга белгиланган вазифалар ижроси устидан қатъий на-зорат ўрнатиш топширилди.

Йиғилишда соҳадаги намунали тажрибалар кўриб чиқилди, тармоқ раҳбарлари ва тадбиркорларнинг фикрлари тингланди.

Ў.А.

Сурур

НЕЧУН ҚИЛМАЙ ИФТИХОР

Оқил одам яшар эзгу аҳд учун,
Яна кимлар Шимол, Жануб, Шарқ учун.
Асли дўстлар, яшамоклик олий бахт,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Ватанпарвар Ватан учун жон тикар,
Миллатпарвар миллат учун бир аскар,
Халқпарварлар ҳеч ўйламай тиз чўкар,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Навоийдек зот кўрмаган бу дунё,
Амур Темур шонидаги нур, зиё,
Яшаб ўтди Бухорий ҳам Ибн Сино,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Ўзбекистон — бу ўзбекнинг ўзидир,
Юз ўттиз эл-эллат ёруғ юзидир,
Аждодларни ибратининг изидир,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Юртин тинчин ўйлаб тунда тўлғонар,
Она тонгда болам дебон уйғонар,
Тандирида иссиқ нонга ўт ёнар,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Кўксим кериб нечун қилмай ифтихор,
Юрт ёшлари олам узра байроқдор,
Олтин кондан олтин чиқар, эй агёр,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Юртбошимиз ҳар фикрати халқ учун,
Аллоҳ берган куч, қудрати халқ учун,
Дунё тин олмоқда, олмасин нечун?!,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Мақтансам ўзбекнинг мадҳи кўп узоқ,
Осиё осмонин ёртган чирок,
Қўллар кўксимизда, хуш кўрдик, қўноқ,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Маҳлис Сенати аъзоси.

Маҳаллий Кенгашларда

ДЕПУТАТ УЙҒОҚ БЎЛСА...

Бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар фаолияти тубдан ўзгариб, улар худудлардаги муаммоларни ҳал этишда асосий масъулга айланмоқда. Албатта, бу жараён ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Бунинг замирида катта саъй-ҳаракатлар ва тинимсиз изланишлар турибди.

Мазкур тузилмани «уйғотишда», сергаклантиришда Олий Маҳлис Сенатининг амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш бўйича роли янада мустаҳкамланяпти. Хусусан, маҳаллий Кенгашлар билан мулоқот ва ҳамкорликни кучайтириш, кенгайиб бораётган ваколатлардан самарали фойдаланиш учун методологик жиҳатдан янги тартиботларни ишлаб чиқиш зарура-ти туфайли бир қатор ишлар амалга оширилди.



ЕНГИЛ САНОАТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Тўқимачилик sanoati — мамлакатимиз иқтисодиё-тида муҳим ўрин эгаллайдиган йўналишлардан бири. Шу маънода сўнгги йилларда ушбу соҳага давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта. Аввало, истиқболли бўлган ушбу тармоқни катта валюта келтирадиган тармоққа айлантириш мумкин. Юртимизда хомашё базаси мавжуд. Ўзбекистон жаҳондаги энг йирик пахта ишлаб чиқарувчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бу эса тўқимачилик sanoati учун арзон ва сифатли хомашё билан таъминланиш имконини беради.

Акс садо

Бироқ соҳада ечимини ку-таётган бир қатор муаммо-лар ҳам бор. Президентимиз раислигида тўқимачилик со-ҳасида экспорт имкониятла-ри ва захираларини ишга солиш масалалари юзаси-дан кеча ўтказилган видео-селектор йиғилишида ана шу жиҳатлар бўйича тақлиф ва ташаббуслар, ечимлар ўртага ташланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзе-бкис-тон иқтисодиётининг 3 фоизини, sanoatning 14 фоизини тўқимачилик тар-моғи яратмоқда. Йиғилишда қайд этилгандек, сўнгги беш йилда тармоқда 3,5 млрд. долларлик 396 та йирик кор-хона ишга тушди, ишлаб чиқариш 10 млрд. долларга етди. Соҳада 500 мингдан ортиқ одамлар банд. Бу са-ноатда иш ўрнига эга аҳоли-нинг 20 фоизига тенг.

Аммо шунга қарамай со-ҳада ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичлари секин-ла-лашиш кузатилмоқда, бу эса халқаро вазиятни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш, иш ўринлари ҳамда экспорт-ни сақлаб қолиш бўйича тез-кор чоралар кўришни тақозо этмоқда. Бунинг сабаби од-дий. Жаҳонда пахта котиров-калари 2022 йилдан пасайиб кетаётгани кластерлар учун муаммо келтириб чиқар-моқда.

Сўнгги уч йилда нарх тон-насига 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушди. Тадбиркорлар эски қарзини янги ҳосил ҳисобидан бир-

бирига улаб ёпмоқда. Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш учун 2022-2023 йилларга пахта хом-ашёсига берилган имтиёз-ли кредит муддати 3 марта узайтирилди, ўтган йилда пахта нархини тушириш учун тоннасига 1 млн. сўмдан суб-сидия берилди. Қанчалик қийин бўлмасин, давлатимиз тўқимачилик sanoatини ри-вожлантиришга эътиборини қаратаётгани ортида тўқима-чилик sanoati кўллаб иш ўринларини яратиш имко-ния-тига эгалиги ётибди. Бу, ай-ниқса, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъмин-лашда муҳим аҳамиятга эга.

Асосийси, тўқимачилик маҳсулотлари экспортбop ҳисобланади. Ушбу соҳани ривожлантириш орқали экспорт ҳажмини ошириб, валюта тушумини кўпайти-риш мумкин. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривож-лантириш орқали импортга қарама-қарши камайтириш, ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш мумкин.

Нима қилсак, натижага эришилади?

Тўқимачиликни янада ри-вожлантириш учун эътибор қаратиш керак бўлган йўна-лишлар етарли. Аввало, со-ҳада юксак инновация ва тех-нологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнлари-ни автоматлаштириш, рақам-лаштириш ва илмий изла-нишларни кўллаб-қувватлаш зарур.



Жаҳон савдо ташкилоти:

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА УНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНЛАРИ

13 август куни Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда бир қатор давлат органлари вакиллари иштирокида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг ҳуқуқий тизими ва ушбу тизимнинг қонунчилик жараёнлари масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренинг

Тренинг қуйи палатанинг Қонунчи-ликни ЖСТ битимларига уйғунлашти-риш бўйича комиссияси ва Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг Жа-ҳон савдо ташкилоти масалалари бўйи-ча вакили ҳамкорлигида «Ўзбекис-тоннинг ЖСТга аъзо бўлиши жараёни-га кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Унда ЖСТ масалалари бўйича халқаро даражадаги экспертлар — ЖСТ апелляция органи собиқ аъзоси, бир қатор халқаро савдо низоларида ҳайъат аъзоси бўлган профессор Пит-тер Ван ден Бош, узоқ йиллар даво-мида ЖСТ тизимида турли раҳбар ла-возимларда фаолият олиб борган савдо масалалари бўйича маслаҳат-чи Ҳамид Мамду, шунингдек, халқа-ро савдо масалаларида 35 йилдан


ортиқ вақт давомида фаолият олиб бораётган АҚШдаги Жонс Хопкинс университети профессорси ҳамда халқаро савдо масалаларига иқтисос-лаштирилган "Appleton Luff" адвокат-лик фирмаси асосчиси Артур Аппл-тон иштирок этмоқда.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, депутат-лар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича ваки-ли, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо-лиги бўйича музокарачилар гуруҳи аъзолари, «ақл марказлари» вакиллари қатнашди.



Янги нашрлар

«ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАРКЕНТ» КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ




Давлатимиз раҳбари халқимиз манфаатлари, унинг фаровонлиги юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсад-муддаоси эканини алоҳида таъкидлаб келади. Ана шу эзгу ғоя ўз тақдирини Ватан тақдирини билан уйғун қўриб меҳнат қилаётган ҳар бир юртодошимизнинг онгу шуурида устувор. Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Янгиланаётган Паркент» номли китобда ҳам айни шу жиҳатлар ўз ифодасини топган. Унда жонахон Ўзбекистонимизда кечаётган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар мафтунок Паркент тумани мисолида самимия, гўзал бадиият билан тақдим этилган.

Ўзининг бетакорр табиати, хушхавоси, танти ва меҳнаткаш инсонлари билан юртодошларимизнинг ҳайрат ва ҳавасини ўзига жалб этаётган Паркент туманида кейинги йилларда аҳолининг оғирини ен-гил, мушкулларни осон этадиган, одамлар-нинг турмушини яхшилайдиган, ҳаётдан рози бўлиб яшашга хизмат қиладиган янги режа ва дастурлар амалга оширилмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг 2025 йил 18 июнь куни мазкур ту-манга навбатдаги таширфи давомида Паркент кескин ижобий ўзгаришлар, ислохотлар даврига қадам қўйгани, бу мафтунокор гўшани янада ривожланти-риш учун янги куч ва имкониятлар са-фарбар этилаётганига халқимиз гувоҳ бўлди.

МУАЗЗАМ ҒАЛАБАГА БАФИШЛАНГАН КИТОБ



Ушбу буюк ғалаба муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мил-лий терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригида вакилларимиз матонати ва жа-соратига юксак баҳо берилиб, футболчи-ларимиз қўлга киритган улкан натижанинг моҳияти ва аҳамияти чуқур очиб берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомий-лигида «Адабиёт» нашриётида чоп этил-

Спорт қатъият, ишонч, дўстлик, келажақ сари дадил интилиш демакдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабалар юртодошларимиз қалбини чексиз ифтихорга тўлдирмоқда.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, том маънода улкан ғалабага эришгани — Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани спортимиз тарихида янги саҳифа очди.

«Бу ғалаба — муаззам!» номли китобда ҳам спортчиларимизнинг ана шу тарихий ғалабасининг аҳамияти кенг акс эти-рилган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа-си аъзоларига табриги билан бошланади.





Боксчиларимиз Осиёда тенгсиз

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида илк бор уюштирилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати якунланди. Мусобақа икки йўналиш — “U-22” ва “U-19” тоифаларида ташкил этилди.



Аҳамиятлиси, мазкур қитъа баҳсларида терма жамоамиз аъзолари ҳар иккала йўналишда ҳам тенгсиз, деб топилди. Хусусан, “U-22” тоифасида рингга кўтарилган мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари Қозоғистон (5 та олтин, 4 та кумуш) ва Хитойни (3 та олтин, 4 та бронза) ортда қолдириб, 8 та олтин, 6 та кумуш ҳамда 4 та бронза медалга эга чиқди ва умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди.

Ўзбекистон “U-19” терма жамоаси ҳам ўз ёш тоифасида Осиё чемпионатини 7 та олтин, 3 кумуш, 3 та бронза — жами 13 та медаль билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда якунлади.

Анвар Анваров — шоҳсупада!

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, Венгриянинг Будапешт шаҳрида энгил атлетика бўйича “Hungarian Athletics Grand Prix” турнири бўлиб ўтди. Бутунжаҳон энгил атлетика федерациясининг тақвимида ўрин олган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Анвар Анваров ҳам шоҳсупага кўтарилди.



Спортчимиз бир қатор Олимпиада ва жаҳон чемпионатлари ғолиблари иштирок этган узунликка сакраш секторида бронза медалга сазовор бўлди. Унинг сўнги уринишдаги 8.05 метр натижаси учинчи ўринни таъминлади. Мазкур кўрсаткич юртдошимизга келаси ой Токиода бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун рейтинг очколарини тақдим қилди.

Суперлига баҳслари қизғин давом этмоқда

Футбол бўйича Ўзбекистон суперлигасининг 18-тур баҳслари мурасиз ва курашларга бой кечди.

Хусусан, мазкур турда муҳлис-лар учта марказий учрашувнинг гувоҳи бўлди. Фарғонада “Нефтич” ва амалдаги чемпион “Насаф” жамоалари ўзаро куч синашди. Беллашувнинг 24-дақиқасида Ф. Сайфиев қизил карточка олиб, мезбонларни қийин ахволга солиб қўйди. Бироқ шунга қарамай, “Нефтич” муҳим ўйинда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ягона гол пенальтидан унумли фойдаланган Ж. Искандаров номига ёзилди.

Самарқанд шаҳрида Вадим Абрамов мураббийлигидаги “Динамо” жамоаси “Пахтакор”ни қабул қилди. Қизғин курашлар остида кечган баҳс 1:1 ҳисоби билан якунланди. Голлар муаллифи — Р. Фрайдей (“Динамо”), Б. Абдухоликов (“Пахтакор”). “Андижон” — “Навбахор” беллашуви ҳам муҳлисларни бефарқ қолдирмади. Иккинчи даврада мағлубиятга учрамаётган икки жамоа ўртасидаги ҳужумкор ўйиннинг тақдири 89-дақиқада наманганликлар фойдасига ҳал бўлди: ҳисоб — 0:1.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: “Сўғдиёна” — “Машъал” 2:0, ОКМК — “Қизилқум” 0:0, “Шўртан” — “Қўқон-1912” 1:2, “Бухоро” — “Хоразм” 1:1, “Сурхон” — “Бунёдор” 3:1.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Омилкорлик

Нишон туманининг Навбахор маҳалласида яшовчи Икром Саидов томорқадан даромад топишининг ҳадисини олган. Гарчи у туман газ идорасида ишласа-да, ишдан сўнг томорқада меҳнат қилишдан эринмайди. Ҳовлисига қадам қўйишингиз билан баҳридингиз очилади: мисоли чаманзор! 12 сотих томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланилаётгани боис мева-чевадан тортиб, сабзавотгача ҳовлидан чиқади. Бир текис экилган узум, анор, бодом, шафтоли, ўрик дарахтлари, полиз ва сабзавот экинларига боқиб, кўз қувнайди. Маҳалла аҳли гапнинг кифтини келтириб, “Икром Саидовнинг боғини курмабсан, бу дунёга келмабсан” дейишади. Уларнинг гапида жон бор, боғмисан боғ!

— Кексаларимизда “Ўз пайкалингдан еганинг татийди”, деган гап бор, — дейди Икром Саидов. — Чунки томорқадан чиққани баракали бўлади. Масалан, мана шу 30 ут анорнинг ўзидан ҳар йили камида 80 килограммдан ортиқ ҳосил оламиз. Анорларни Шеробод тумани тажрибаси асосида парваришляяпмиз.



ЯШНАБ ТУРГАН ҲОВЛИ

Узум ва бошқа мевали дарахтларимиз ҳам яхши мева берапти. Картошка, пивёз, помидордан тортиб, рўзгор учун зарур бўлган барча полиз ва сабзавот турларидан экканмиз. Бундан ташқари, чорвамиз бор, товук боқамиз. Хуллас, мева-чевадан тортиб, гўшт, тухум, қатиқ-сут каби маҳсулотларнинг ҳеч бирини бозордан сотиб олмаймиз. Аксинча, истеъмолдан ортганини сотамиз. Бу оила бюджетини учун яхшигина даромад, дегани.

Икром Саидовнинг айтишича, маҳаллада кўпчилик томорқадан унумли фойдаланади. Авваллари сув танқислиги боис бу ишинг

бирмунча қийинчиликлари бор эди. Жорий йилда Нишон тумани ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳаллага 3 километр қувур тортилиб, янги сув тармоғи олиб келинди. Эндиликда ҳудуддаги хонадонлар экинларини ҳар ўн кунда сугориш имконига эга бўлишди. Бу маҳалла аҳлини томорқасида унумли меҳнат қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшишга ундамоқда.

Жорий йилнинг олти ойида Қашқадарё вилоятида 19240,6 млрд. сўмлик, ўтган йилнинг шу даври би-

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ ТУХҒА

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Хоразм вилоятидаги 61 та умумтаълим мактабига компьютер жамламалари, кўп функцияли принтер ва кондиционерлар етказиб берилди. Маънан ва жисмонан эскирган компьютер воситалари ўзинини ағаллайдиган замонавий жиҳозлар янги ўқув йили олдидан муносиб совға бўлди.

Эндиликда ушбу мактабларда таълим оладиган ўқувчиларнинг рақамли технологиялар ва IT асосларини мукаммал ўрганиш имконияти ортади.

— Умумтаълим мактабларининг босқичма-босқич энг замонавий компьютер воситалари билан таъминланаётгани ёшларимизнинг IT соҳасида юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди вилоят Мақтабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Ҳамро Бектемиров. — Бугунги кунда вилоятимизда йўлга

қўйилган “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси доирасида 4 минг нафар 7 — 11-синф ўқувчилари IT сирларини чуқур ўрганмоқда. Мактабларга етказиб берилган янги компьютер жиҳозлари мазкур лойиҳанинг имкониятларини янада кенгайтиради. Мухтасар айтганда, яқин келажақда IT соҳаси ўнлик саноқ тизими ва алгоритм ватани бўлган янги Хоразмнинг “таширф қоғози”га айланади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

ЎЙЛАМАЙ БОСМАНГ ҚАДАМНИ...

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ САМАРҚАНД КЎЧАСИДА ҚАД РОСТЛАГАН ЎН ҚАВАТЛИ ТУРАРЖОЙ БИНО ҚУРИЛИШИ БИТИШ АРАФАСИДА ТЎХТАТИЛДИ. НЕГА?

Афсус

Пудратчи ташкилот — “Мукамал қурилиш саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилган ишлар сифатсиз баҳарилгани аниқланди. Қаватлар сони лойиҳадагидан биттага ошириб юборилган экан. “Бир қават кўпайган бўлса, нима қипти, шунга ҳам ота гўри қозихонами?” дейдиганлар топилди. Аслида, бундай қилиш сираям мумкин эмас. Зеро, қурилишнинг талаби қаттиқ. Айниқса, кўп қаватли биноларнинг сейсмиқ мустаҳкамлиги биринчи ўринда туради. Бордию зилзила рўй бериб қолса лойиҳаси тўққиз қаватга мослаб чизилган, лекин ўн қават қилиб қурилган иншоот табиий офатга дош бера оладими? Қурувчилар бунини ўйлаб кўришмаган чоғи...

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида Наманган вилояти ҳудудий назорат инспекцияси томонидан МЧЖ раҳбари Библихон Аминов номига оғоҳлантириш хати юборилди. Аммо... инспекция талаби баҳарилмади. Натижада иш судга оширилди. Суд эса лойиҳага суд равишда қўшилган ўнинчи қаватни олиб ташлаш ҳақида қарор чиқарди.

Одамлар деярли битказилган бинонинг юқори қавати бутунлай бузиб ташланаётганидан ҳайрат-

ланган бўлса, бош пудратчи ўзбошимчилиги қимматга тушганидан аламда. Чунки қурувчилар бу ноҳия хатти-ҳаракати учун яхшигина жаримгага тортилди. Қолаверса, ўнинчи қаватни тиклаш учун қурилиш ишлари ялпи қийматининг ўн фоизи атрофида харажат кетгани айтилмоқда. Хўш, бу кимга фойда-ю, кимга зиён?!

Лойиҳа талабларига амал қилмаслик, бинокорлик технологияси бузилиши билан боғлиқ бундай ҳолатлар вилоятда ягона эмас. Инспекция маълумотларига қараганда, жорий йилнинг олти ойи мобайнида вилоят бўйича 905 та қурилиш объектида иш тўхтатилган бўлса, 59 таси музлатилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликларни учун мутасаддилар 1,3 миллиард сўмдан зиёд жарима тўлашига тўғри келди.

— Қоидабузарликлар кўпроқ нималарда кўринади, деган савол туғилиши табиий, — дейди ҳудудий инспекциянинг қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Умидхон Турдиев. — Ўрганишлар чоғида объектни тегишли рўйхатда янги тоғ маҳалласидаги кўп қаватли ишни бошлаш, лойиҳага ўзбошимчалик билан ўзгариш киритиш, рухсатсиз реконструкциялаш, технология заңжирини бузиш, давлат андозасига жавоб бермайдиган ашё ва материаллардан фойдаланиш сингари ҳолатларни аниқлаяпмиз. Табиийки, бундай ҳолатда объектларда



иш тўхтатилиб, назоратга олинади ва камчиликларни бартараф этиш талаби қатъий қилиб қўйилади.

Кўп қаватли биноларни зилзилабардош қилиб қуриш қурувчилар зиммасидаги биринчи даражада талаб. Амалда баъзи бош пудратчилар томонидан масалага жиддий ёндашилмаётгани кузатилади. Мисол учун, Наманган шаҳрининг Уйчи кўчасида қад ростлаган 12-қўп қаватли бинонинг биринчи қаватидаги нотурар қисмида асосий юк кўтарувчи ва хоналарни ажратиб турувчи парда деворлар ва ерга жойлашган тадбиркор томонидан ўзбошимчалик билан бузиб ташланган. Давлатобод туманининг Янги тоғ маҳалласидаги кўп қаватли уйни қуришда эса қурувчилар бир хонадонни иккига ажратиб, ўрта деворни олиб ташлашган. Айни жараёнда бу ердаги коммуникация тизимлари ҳам ўзгартirilган.

Ёки Уйчи туманидаги 27-умумтаълим мактаби учун барпо этилаётган икки қаватли бино қури-



да эса деворлар гишти сифатсиз урилган, устига-устак боғловчи чоклар яхши тўлдирилмаган...

Ўйлаб қолсан киши, қурилаётган бино хоналарида эртага болажонларимиз ўқишади, омонат тикланган деворлар улар ҳаётига хавф туғдирмаслигига ким қафолат беради?!

Соҳадаги қонунбузарликлар орасида қурилиш объектларини тегишли рўйхатдан ўтказмай ишни бошлаш ҳолатлари учраётгани ташвишли ҳол, албатта. Бундай жойда назорат, масъулият сусайиши тайин. Айни тоифадагилар орасида “Vostok trade invest” масъулияти чекланган жамияти ҳамманинг олдида тушади. МЧЖ қурувчилари Давлатобод туманидаги “Юксалиш” даҳасида олти ва етти қаватли тураржой

лишига сифатсиз бетон плиталар келтирилганлиги аниқланди. Буюртмачи — вилоятдаги инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси давлат муассасаси бунга бефарқ қараган. Ўрнатилган сифатсиз плиталарни олиб ташлашга тўғри келди. Норин туманидаги 37-мактаб биноси қурилишида эса деворлар гишти сифатсиз урилган, устига-устак боғловчи чоклар яхши тўлдирилмаган...

Ўйлаб қолсан киши, қурилаётган бино хоналарида эртага болажонларимиз ўқишади, омонат тикланган деворлар улар ҳаётига хавф туғдирмаслигига ким қафолат беради?!

Соҳадаги қонунбузарликлар орасида қурилиш объектларини тегишли рўйхатдан ўтказмай ишни бошлаш ҳолатлари учраётгани ташвишли ҳол, албатта. Бундай жойда назорат, масъулият сусайиши тайин. Айни тоифадагилар орасида “Vostok trade invest” масъулияти чекланган жамияти ҳамманинг олдида тушади. МЧЖ қурувчилари Давлатобод туманидаги “Юксалиш” даҳасида олти ва етти қаватли тураржой

биноларини ими-жимиди қуришни бошлаб юборган пайтда иш тўхтатилди. “Строймегаброк” МЧЖнинг Нурафшон маҳалласида рўйхатдан ўтказилмай барпо этишга киришилган тўққиз қаватли бино қурилиши тақдири ҳам шундай бўлди.

Умуман олганда, вилоят бўйича пудратчи ташкилотлар 175 та ҳолатда объектни рўйхатдан ўтказмай туриб ишга киришгани кишини ажаблантиради. Уларнинг кўпчилигида тегишли ҳоким ва қурилиш бўлими рухсатномалари бўлмаган, айримларида шахарсозлик кенгаши, бошқаларида экспертиза ҳулосалари мавжуд эмас. Қўзғўямачилик ҳам шу даражада бўладими? Ахир улар кичик бир объект эмас, одамлар яшаيدиган иморатни барпо этишпти-ку! Қани бу ерда масъулият, қани қурувчилик касбига бўлган ҳурмат?!

Тураржойлар аҳоли учун ишончли ва мустаҳкам бошлана бўлиши керак. Бинобарин, бундай иморатлар кўплаб авлодларга хизмат қиладиган даражада қулай ва мустаҳкам барпо этилмоғи шарт. Бунинг учун барча имконият, замонавий қурилиш технологияси, материал ва ашёлар етарли. Асосий масала бинокорларнинг бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишга виждонан ёндашиши, сон кетидан қувиб сифатни унутиб қўймаслигига боғлиқ. Зотан, “Кингир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади”, деган мақол бежиз айтилмаган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

«Худудгазтаъминот» АЖ аҳолига суюлтирилган газ етказиб беришда «Face ID» тизимини ишга туширди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6